


ТАЪЗИЯ



18:51 / 31 октябрь 1761

Замонамизнинг етук алломаси, фақиҳи, устоз, шайх Муҳаммад Аднон ибн Ёсин Дарвиш фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилдилар.

Шу муносабат билан марҳумнинг барча оила аъзоларига, сафдошлари ва шогирдларига чуқур, самимий таъзия изҳор этамиз.

Аллоҳ таоло марҳумнинг барча солиҳ амалларини ўзига ҳамроҳ қилсин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилсин, бу дунёда қилган хайрли амалларидан, хизматларидан ҳосил бўлган ажру савоблардан Қиёматга қадар баҳраманд қилиб, руҳларини шод қилсин, охиратларини обод қилсин, ваъдасига биноан, иззат тожини кийдирсин, илмига амал қилган уламоларга ваъда қилган ажру мукофотларидан баҳраманд қилиб, жаннатларига дохил айлсин!

Ҳақ таоло бу олим бандасининг ҳаққига қилинадиган барча хайрли дуоларни ижобат қилсин!

Ушбу оғир жудолик дамларда марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз, барча яқинларига гўзал сабр тилаб қоламиз.

Аҳли оилалари, фарзандлари ва ёр-биродарларига барча мўмин-мусулмонлар номидан, кўплаб шогирдлар номидан ҳамдардлик изҳор қиламиз, марҳумнинг ҳақларига дуода бўламиз.

Муборак жума кунда сиз азизлардан ҳам марҳумнинг ҳақларига дуолар қилишингизни сўраймиз.

«Мусибат етганда «Барчамиз Аллоҳникимиз ва барчамиз Унга қайтамиз», дейдиган сабрлиларга хушxabар беринг».

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Hilol Nashr» нашриёт-матбааси

Islom.uz портали жамоаси

Машҳур фақиҳ, усулий аллома шайх Муҳаммад Аднон ибн Ёсин Дарвиш 1970 йил 17 ноябрда Суриянинг Дамашқ шаҳрида таваллуд топган.

Илмий шаҳодатлари ва фаолиятлари:

- Азҳари шариф университетининг бакалавриати (шариат ва қонун факультети) ва магистратурасини (усулул фикҳ) тамомлаган;
- усулул фикҳ йўналиши бўйича фан доктори илмий унвонига эга;
- 2014 йилдан буён Туркиянинг Истамбул шаҳридаги Сабоҳуддин Заъим масжидида мударрис;
- 1989 йилдан буён Фатҳ ислом маъҳадида мударрис;
- Бир неча йил давомида Дамашқ шаҳри ва вилоятидаги шаръий ўрта мактабларда мударрис;
- 2006 йилдан буён Фатҳ ислом маъҳадининг юқори университет қисмида мударрис;
- Шом олий маъҳадида фикҳ ва мазҳаблар фикҳи бўйича мударрис;
- Дамашқ вилоятидаги Ҳуда маъҳадининг асосчиси ва мудири;
- Дамашқ шаҳри ва вилоятидаги бир неча масжидларда мударрис.

Илмий ишлари:

- «Абдулазиз Бухорийнинг усулул Баздавийга шарҳи «Кашфул асрор» асарининг илмий таҳқиқи» мавзусидаги магистрлик илмий ишини аъло баҳога ҳимоялаган;

- «Ибн Ҳожибнинг усулдаги фикрлари» докторлик илмий иши биринчи ўринга сазовор бўлган;

Салаф уламоларнинг илмий меросидан қуйидагиларни таҳқиқ қилган:

- Суютийнинг «Саҳиҳи Муслим»га ёзилган «Дебож» номли шарҳининг таҳқиқи;

- Имом Косонийнинг «Бадоиъус-саноиъ» китобининг таҳқиқи;

- «Ҳидоятул Фаттоҳ фи зикри адиллати нурул ийзоҳ» китобининг таҳқиқи;

- Мерос илмига оид «Сирожия» китоби шарҳининг таҳқиқи;

- Мунзирийнинг «Арбаъийн фи истисноъил маъруф» китобининг шарҳи ва таҳқиқи;

- Имом Марғинонийнинг «Ҳидоя» китобининг таҳқиқи;

- Имом Мусилийнинг «Ихтиёр» китобининг таҳқиқи;

- «Саҳиҳул Бухорий»нинг энг катта шарҳларидан бўлмиш «Нажохул қорий бишарҳил Бухорий» китобининг таҳқиқи.